

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГЕРМАНИЯ КАНЦЛЕРИ БИЛАН МИНТАҚАДАГИ ВАЗИЯТ РИВОЖИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ

18 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федерал Канцлери Ангела Меркель билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди

Суҳбатда етакчилар икки томонлама кун тартибдаги долзарб масалаларни кўриб чиқдилар ҳамда Афғонистондаги воқеаларнинг ривожланиши нуктаи назардан минтақадаги жорий вазият юзасидан фикр алмашдилар.

Ушбу мамлакатда кескинлик ва зўравонликнинг авж олишига йўл қўймаслик, шунингдек, афғон моҳирларини сиёсий йўл билан тартибга солишни халқаро ҳамжамият томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларида икки мамлакатнинг позиция ва ёндашувлари мос экани алоҳида таъкидланди.

Фуқароларни Афғонистондан авиация транспортида Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит йўли билан Германияга эвакуация қилиш бўйича гуманитар операцияларни амалга оширишда яқиндан мувофиқлашувни ва фаол идоралараро ҳамкорлиқни давом эттириш муҳим экани қайд этилди.

Минтақадаги вазиятнинг янада ривожланиши бўйича олий ва юқори даражадаги мунтазам алоқаларни давом эттиришга келишиб олинди.

ЎзА

МДХ ДОПРАСИДА ХУҚУҚИЙ АХБОРОТ АЛМАШИШ УЧУН ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМА ЯРАТИЛМОҚДА

2020 йил 18 декабрда бўлиб ўтган МДХ давлат раҳбарлари саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида координацияни кучайтириш ва ҳуқуқий ахборот алмашиш учун Ягона электрон платформани яратиш ташаббуси илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур ташаббусини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан алоқадор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ахборот алмашиш учун Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Ягона электрон платформасини яратиш бўйича концепция лойиҳаси тайёрланиб, янада такомиллаштириш учун МДХ Ижроия қўмитасига юборилди.

Мазкур концепция лойиҳасини келиштириш бўйича экспертлар гуруҳининг йиғилиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги раислигида видеоконференция шаклида ўтказилди.

Тадбир МДХ Ижроия қўмитаси томонидан ташкил этилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси вазирлиги ва идоралари экспертлари билан бир қаторда Беларус, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари, Россия Федерацияси, шунингдек, МДХ Ижроия қўмитаси ва тармоқ ҳамкорлиги органларининг ваколатли вакиллари ва экспертлари иштирок этди.

Очиқ ва конструктив мулоқот руҳида ўтган йиғилиш чоғида томонлар концепция лойиҳаси матни юзасидан фикр алмашди.

Томонлар концепция лойиҳасини қўллаб-қувватлади ва ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида электрон хужжатлар алмашинувини амалга ошириш имконини берадиган ҳуқуқий ахборот алмашиш учун МДХ Ягона электрон платформаси ўз вақтида яратилаётгани ва мақсадга мувофиқлигига доир яқдид фикр билдирди.

Йиғилиш аяқлари бўйича томонлар эксперт гуруҳининг кейинги йиғилишида концепция лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифлари тақдим қилиш, муҳокама асосида хужжатни мукамал ҳолга келтиришга келишиб олди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

“ИШГА МАРҲАМАТ” МОНОМАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Бухоро шаҳрида банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи “Ишга марҳамат” мономаркази иш бошлади.

Марказ Бухоро шаҳридаги политехника касб-хунар коллежи биноси негизда ташкил этилди. Лойиҳа асосида 14 миллиард 500 миллион сўм маблағ эвазига бино капитал реконструкция қилинди.

Қўшимча тартибда мономарказ Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 22 та ўқитиладиган касблар бўйича замонавий инновацион рақамли техник воситалар билан жиҳозланди.

Мономарказда касбга тайёрлашдан ташқари, хорижий тиллар, рақамли технологиялар ва тадбиркорлиқни ўргатиш курслари ташкил этилган. Мономарказнинг йиллик ўқитиш қуввати 2 минг 150 нафар.

Ҳозирги кунда 650 нафар ишсиз ва иш қидираётган шахслар мономарказда ташкил этилган касбга тайёрлаш ўқув курсларига касб-хунар ўрганиш учун мурожаат қилган. Айни



пайтда уларнинг 200 нафари касб-хунар ўрганмоқда.

Бу ерни ўқиб тугатганлар махсус сертификатни олгач, мутахассислиги бўйича жаҳоннинг энг илғор ва етакчи ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш ташкилотларида фаолиятларини давом эттиришлари мумкин.

– Хорижга ишга бораётган аксарият юртдошларимизда бирор касб бўйича етарли малака етишмаслиги сабабли улар қийин ҳолга тушиб қолмоқда, – дейди марказ раҳбари Садоқат

Сиддиқова. – Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни, шунингдек, хорижий тилларни ўрганиш керак. Мономарказда бунинг учун барча шароитлар бор. Эътиборли жиҳати, тадбиркорлик қилиш ниятида бўлган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, субсидиялар ва имтиёзли кредитлар ажратишга ҳам кўмаклашамиз.

Мономарказда ишсизлар 22 та касб: 10 та хизмат кўрсатиш, 6 та техник, 3 та қишлоқ ҳўжалиги, 2 та қурилиш ва 2 та рақамли технология соҳасидаги касблар, бундан ташқари, 4 та хорижий тиллар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилади. Касбларнинг мураккаблик даражаси асо-

сида ишлаб чиқариладиган ўқув дастурларига мувофиқ ўқувчилар 2 ойдан 4 ойгача ўқитилади.

Мономарказда, шунингдек, жорий йилда иш қидирувчи, ташкиллаштирилган тартибда хорижий меҳнат миграциясига кетмоқчи бўлган фуқаролар, нодавлат ўқув марказлари битирувчилари ва бошқа аҳоли тоифалари учун WorldSkills стандартлари асосида ишчи касблар бўйича касбий малакани баҳолаш маркази ташкил этилади. Касбий малакани баҳолаш марказида ишчиларга малака разрядини ва мутахассисларга малака тоифасини бериш бўйича ўтказилган имтиҳонларни муваффақиятли топширганларга диплом ёки сертификат билан бирга WorldSkills малака паспорти берилди.

Йиғилганлар мономарказда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Марказнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Нозим Хусанов, Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов иштирок этди.

Зариф КОМИЛОВ,
ЎзА мухбири.

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ МЕЗОНЛАРИ ИФОДАСИНИ ТОПГАН СУҲБАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррирининг саволларига жавобларида сўнгги 30 йил мобайнида эришган ютуқларимиз, ислохотлар мақсади, мазмун-моҳияти бутун бўй-басти билан гадаланган.

Кейинги беш йил давомида мамлакатимизда кенг миқёсдаги демократик ўзгаришлар ҳақида сўз борган суҳбатни ўқиган киши “Янги Ўзбекистон”, деган тушунча реал воқеликка айланганини ҳис қилиши табиий. Бир қатор эзгу гоялар илгари сурилган давлат раҳбарининг сўзларида улғу аждодларимиз, умуман олганда, миллий тарихимизда Биринчи ва Иккинчи уйғониш даврларида асос солган аллома боболаримизнинг оруз-интилишлари ва армонлари ҳам мукжасам, десак адашмаган бўламиз.

“Ренессанс” иборасига таъриф берадиган бўлсак, лотинчада “кайта туғилиш” маъносини беради. Ўзбекистон ҳудуди Шарқ Ренессансининг йирик марказларидан бири сифатида, айниқса, иккинчи ренессанс бошдан кечиргани дунёга маълум ва машҳур бўлганлигини алоҳида эътироф этиш бизга юксак мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон тарихининг биринчи Ренессанси – Сомонийлар даври-

га тўғри келиб, ушбу даврда буюк аждодларимизнинг яратган илмий-фалсафий асарлари ва оламшумул кашфиётлари ислом цивилизациясига тамал тоши бўлди. Иккинчи Ренессанс – Амир Темур ва Темурийлар даврига тўғри келиб, нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун Марказий Осиё ўлкалари ўз тараққиётининг янги поғонасига кўтарилади. Бу даврда давлатчилик асослари такомиллашиб, шаҳарсозлик ва меъморчилик авж олди, халқаро савдо ва дипломатик алоқалар жадаллашди.

Учинчи ренессансга қадам... Биз бугун ана шу даврни бошладик. Юртимизда тараққиёт бир зум тўхтамай давом этмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсадларидан бири инсон капитални ривожлантириш бўлса, бошқиси 2030 йилгача Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 та илғор мамлакатига қаторига кириш этиб белгилангани

ҳаммамизга яхши маълум. Бугун шиддат билан ривожланаётган ҳаётимизда рўй бераётган юксалиш жараёнлари барча соҳаларда намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари ҳозирги даврни миллий тикланишдан миллий юксалиш томон, деб эълон қилганининг замирида қатъий ишонч ва чуқур ҳикмат мужассам. Негаки, кейинги 10 йиллигимиз асл юксалиш ва тараққиёт даври бўлиши муқаррар.

Мухтасар айтганда, охириги йилларда қабул қилинган ва қилиниши кўзда тутилган қонунлар, фармон ва қарорлар, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар тараққиётнинг янги зарварларига асос бўлади. Интервью мамлакатимизнинг кейинги ўн йиллик тараққиётини таъминлашга қаратилган дастуриламал бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

ДИЛОРОМ ИМОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.
ЎзА

НАВОЙЛИК САЙЛОВЧИЛАРНИНГ 190 МИНГДАН Ортиқини ЁШЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан “Ёш сайловчи” акцияси ва “Yoshsaylovchi.uz” электрон платформаси тақдимида бағишлаб ўтказилган тадбир доирасида ҳудудлардаги ёшлар ташкилотларининг мазкур сайлов олдидан тайёргарлик ишлари бўйича маълумотлари ҳам тингланди. Онлайн тарзда иштирок этган ҳудудлар вакиллари ёшлар билан ишлаш борасида олиб бораётган чора-тадбирлари ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Навоий вилоят бошқармаси бошлиғи Жамшид Хўжаев вилоятда сайловга тайёргарлик доирасида ёшлар билан олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари борасида маълумот берди.

– Президентлик сайлови мамлакатимизнинг келажаги, ҳар биримизнинг эртанги кунимиз билан бевосита боғлиқ бўлган муҳим сиёсий воқеа ҳисобланади. Мазкур жараёнда ҳар бир фуқаро сайлаш бўйича конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, ўз келажаги учун овоз бериши керак.

Вилоятимизда бу борада ёшларни фаолликка чақиритишга қаратилган тарғибот тадбирларини бошлаб юборганимиз. Бугунги кунда Навоий вилоятида 190 мингдан ортиқ ёш сайловчилар бор, уларнинг 15 мингдан ортигини биринчи марта овоз бераётган йигит-қизлар ташкил этади. Ёшлар билан турли учрашувлар ўтказиш, тарғибот тадбирларини ташкил этиш мақсадида тарғибот гуруҳлари ташкил қилинган. Ушбу гуруҳларга 800дан ортиқ кўнгилли, фаол ёшлар, мутахассис ва экспертлар жалб этилган.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан “Ёш сайловчи” акциясининг ўтказилиши ҳамда “Yoshsaylovchi.uz” электрон платформасининг ишга туширилиши муҳим амалий ишлардан биридир. “Ёш сайловчи” акциясини амалга ошириш механизми ишлаб чиқилгани бундан кейинги фаолиятимизда тарғибот ишларини янада кучайтиришимизга асос бўлади. Яъни унда жазони ижро этиш муассасаларидаги ёшлар, ҳарбий тузилмалардаги ёшлар, чет элдаги ёшлар, олий таълим муассасалари ҳамда кластер тизимидаги ёшлар, шунингдек, имконияти чекланган ёшлар билан ишлаш бўйича аниқ механизмлар кўрсатиб ўтилган. Вилоятда мазкур йўналишда ишлар бошланган. Эндilikда ушбу рўйхатдаги ёшлар билан янада кенг равишда тарғибот тадбирларини йўлга қўямиз.

Умуман, Навоий вилоятида Президентлик сайлови кўтаринки кайфият, байрамона руҳ билан қизгин тайёргарлик кўриломоқда, – деди Жамшид Хўжаев.

Мухтарама КОМИЛОВА,
ЎзА мухбири.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Мухтарам Юртбошимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳаррирининг саволларига берган жавобларини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда” деб номланган интервьюда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган шонли йўли, бугунги ўзгаришлар жараёни, глобал дунёдаги воқеликка теран муносабати ортиқча пафосларсиз, содда, оддий, халқчил тарзда, кенг қамровда очиб берилган.

ЮРТ РАВНАҚИГА ҲИССА ҚўШАЙЛИК!

Интервьюда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларига дахлдор масалалар, мазкур йўналишларда қўлга киритилган ютуқлар муаммолари билан бирга батафсил баён этилган аҳамиятлидир. Айниқса, ҳозирги пандемия шароитида тиббиёт соҳасига кўпроқ эътибор қаратилаётгани, халқимиз саломатлиги учун қайғурилиши диққатга сазовордир.

Мухтарам Президентимиз пандемия даврида халқимизнинг соғлиги ва ҳаётини асраш биз учун энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. деди ва шу мақсадда жорий йил учун давлат бюджетидан 3 триллион сўм захира шакллантирилганли-

гини алоҳида таъкидлаб ўтди. Ушбу маблағ ҳисобидан аҳолини коронавирусга қарши эмлаш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тиббиётда ечимини кутган муаммолардан бири бу юқори малакали кадрларнинг етишмаслигидир. Шу сабабли янги ўқув йилидан бошлаб клиник ординатуранинг қабул квотаси икки баробарга оширилмоқда. Вилоят ҳокимликлари ўз ҳудуди учун зарур бўлган ана шундай мутахассис-шифокорларни тайёрлашга маҳаллий бюджетдан грантлар ажратади. Бу ўз навбатида халқимизнинг тиббиёт ходимларига бўлган эҳтиёжини қон-

диришга хизмат қилади.

Тиббиёт соҳасидаги яна бир огрикли нукта бу коррупциядир. Юртбошимиз ушбу ҳолатга ҳам тўхталиб жумладан шундай деди: “Бизни энг қийнайдиغان масалалардан бири – соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупция ҳолатларидир. Ўтган йилнинг ўзида тизимда 30 миллиард сўмдан ортиқ маблағни талон-тарож қилиш ҳолатлари аниқланди ва айбдорлар қонуний жазога тортилди. Шунинг учун бу соҳада таъсирчан назорат тизимини ўрнатишга, аввало, жамоатчилик назоратини кучайтиришга жиддий аҳамият берилмоқда”. Коррупция – энг жирканч

иллат. Айниқса, тиббиёт соҳасидаги бу порахўрликни кечириб бўлмайди. Бу сенга нажот истаб келган беморни куппа-кундуз кунни тунаш билан баробардир.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, яқин тўрт-беш йил ичида Ўзбекистонимизда жуда катта ўзгаришлар бўлди ва бўлаяпти. Барчамиз Президентимиз атрофида бири-бири билан янада мустаҳкамлаб, Ватанимиз раванқига ўз ҳиссамизни қўшайлик!

ЛАТИФЖОН УСМОНХЎЖАЕВ,
Богот тумани тиббиёт бирлашмаси олий тоифали шифокори.

"Аграр соҳани иқтисодиётнинг асосий драйверларидан бирига айлантириш – бош мақсадимиздир"

АГРАР СЕКТОРНИ ЯЛПИ ВА ТИЗИМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИ БОШЛАДИК. УШБУ СОҲАНИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ДРАЙВЕРЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНТИРИШ – БОШ МАҚСАДИМИЗДИР. ШУ МАҚСАДДА 2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАБ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИДА ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР АНИҚ-РАВШАН БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛДИ. ХУСУСАН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ОЗИҚ-ОВҚАТ СЕКТОРИ ВА ҚИШЛОҚЛАРНИ ЯҚИН ЎН ЙИЛДА ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ РЕЖАСИ КЎЗДА ТУТИЛДИ.

АГРАР СОҲАДА ИШЛАРНИ БУТУНЛАЙ ЯНГИ АСОСДА ТАШКИЛ ЭТИШ ОРҚАЛИ ТАРМОҚНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ВА РАҚОБАТДОШЛИГИНИ ОШИРИШ, УШБУ ЙЎНАЛИШДА МИНГЛАБ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ ВА ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ОДАМЛАРНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ САРИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР ҚЎЙИЛМОҚДА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ "ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН" ГАЗЕТАСИГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИДАН.


ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ: ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИДА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИГА ЎТДИ

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан бири бўлиб, истиклол йилларида айниқча сўнгги тўрт ярим йил ичида уни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш масаласи устувор аҳамият касб этди. Зеро, давлатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги, дастурхонимиз файзи бевосита аграр тармоқ истикболига боғлиқ. Шунинг учун соҳада ислохотларни амалга ошириш жараёнида бозор муносабатларини жорий қилиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган изчил чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Бу эса ўзининг юксак самараларини бераётгани қувонарлидир. Дарҳақиқат, бунинг юртимизда дунёнинг тараққий этган давлатлари тажрибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган фермерлик ҳаракати жорий этилгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Коронавирус пандемияси жаҳон мамлакатлари қатори, юртимизда ҳам кўпгина режаларни амалга оширишга жиддий таъсир кўрсатаяпти. Лекин, ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигини ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,2 фоизга ўсиши билан яқунлашга эришилди. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоғи каби аграр секторда ҳам кенг қўламли ислохотлар олиб борилди. Хусусан, бугунги кунга қадар ерларни фойдаланишга киритиш учун 1 203 км. сўғориш тармоқлари қурилиб, 391 км. коллектор тармоқлари таъмирланди, 997 дона сўғориш қудуқлари ва 201 дона насос агрегатлари ўрнатилиб, 1 782 км. электр узатиш тармоқлари тортилди. Натижада республика бўйича жами 189 минг гектар, шундан 100,5 минг гектар фойдаланишдан чиққан ерлар ҳамда ер ости захира сувлари мавжуд бўлган 88,4 минг гектар чўл, адир ҳудудлардаги лағми ва яйлов ерлар ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги фой-

даланишига киритилди. Ўзлаштирилган ер майдонларида боғлар, узумзорлар, сабзавот, полиз, мойли, дуккакли ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилди. Жорий йилда фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 7 млн. тонна сабзавот, 1,6 млн. тонна картошка, 3,1 млн. тонна мева ва 1,8 млн. тонна узум етиштириш белгиланган. Бунинг учун қўшимча равишда ҳисобот даврида 64 минг гектар мевали боғ ва 37,6 минг гектар узумзорлар барпо этилди. Мева-вали боғлар ва узумзорларни ташкил этиш учун 64,3 минг донна мева, 100,6 минг донна ток қўчатлари ҳисоб-китоб қилиниб, бугунги кунга қадар 44,9 млн. донна мева ва 51,9 млн. донна ток қўчатлари етказиб берилди. Фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг галладан бўшаган ерларига ҳам такрорий экинлар экилгани аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, яратилаётган қулай шарт-шароитлар натижаси, десак муволафа бўлмайди.

Президентимизнинг ташаббусла-



ри билан ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ёшларга асосий майдондан қарийб 62 минг гектар, галладан бўшаган майдонлардан 64,3 минг гектар майдонлар такрорий экин экиш учун уларга ажратиб берилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1-2 июнь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи давомида фермер хўжаликлари ва кластерлар ихтиёридаги ер майдонларидан фуқароларга 10 йил муддатга деҳқон хўжалиги ташкил этиш ҳисобига ер бериш бўйича топшириги ижросини таъминлаш бўйича чоралар кўрилмоқда. Яъни, дастлабки маълумотларга кўра, Республика бўйича 450

мингдан зиёд фуқароларга 75 минг гектардан зиёд майдонларни ажратиб бериш режалаштирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2017 йил 9 октябрда "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон имзоланди. Унга асосан, аввало, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳаракатини ривожлантириш ҳамда аҳоли томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилди ва бошқариш тизимида янги тузилма – Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжали-

клари ва томорқа ер эгалари ва унинг қўйи бўғинлари тузилди, бу фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кучайтириш, уларнинг ваколатларини кенгайтириш, қўл тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, томорқадан 2-3 мартадан ҳосил олиш, энг асосийси, соҳага илм-фан ютуқлари ҳамда замонавий агротехнологияларни татбиқ қилиш имконини берди. Фармонда қўл тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этиш, шу орқали қишлоқ жойларда саноатни ривожлантириш, хомашёни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш вазифаси ҳам ўз аксини топган. Шундан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган маҳсул дастурга мувофиқ, жорий йил-

да 16,7 мингдан ортиқ қўл тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилиши кўзда тутилган. Ўтган вақт мобайнида 12 минг 615 та фермер хўжалиги қўл тармоқли фермер хўжалигига айлантирилгани эътиборга моликдир. Яъни уларнинг қошида мева-сабзавот, гўшт-сутни қайта ишлаш корхоналари барпо этилди, интенсив боғлар яратилди, паррандачилик, чорвачилик, бакичилик ва асаларичилик тармоқлари йўлга қўйилди, шунингдек, сервис хизматлари кўрсатила бошланди. Буларнинг ҳисобига қарийб 40 мингта мавсумий ва доимий иш жойлари очилди. Аҳамиятли томони шундаки, уларнинг ҳеч бири битта йўналиш билан чекланиб қолгани йўқ. Қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш, кичик ишлаб чиқариш корхоналарини очиб орқали қишлоққа саноатни олиб кириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Фермерлар томонидан ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ва нооziқ-овқат маҳсулотлари эса аллақачон ўз харидорини топган. Бунга "Коинот", "Юлдуз тўласой", "Мовий осмон замини", "Йўлдош Суннатилло", "Чашмаи сафед", "Оқсув", "Озод", "Тайимбет" сингари фермерларнинг фаолияти мисол бўла олади. Бундан кўриниб турибдики, фермер хўжаликлари шаклланиш жараёнида ривожланиш босқичига чиқди. Чунки ер майдонлари муносиб эгаларига берилди. Ишбилармон, омилкор ва фидойи фермерларнинг ҳалол меҳнати билан қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик йил сайин ошяпти, қишлоқда саноат равнақ топяпти.

Юртимиз фермерлари Мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, энг улуг, энг азиз айём – Истиклолимизнинг 30 йиллик байрамни муносиб меҳнат зафарлари билан қарши олиш ниятида ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Зеро, Истиклол ўзбек деҳқонига мулкдор бўлиш, ўз меҳнатидан манфаат қўриш, рағбат топиш бахтини берди.

Зокир АЛЛАМУРАДОВ,
Ўзбекистон фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
кенгаши бўлим бошлиғи.

Мана, ҳадемай давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёевнинг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони имзоланганига ҳам беш йил бўлади. Ўтган давр ичида мамлакатимизда ташкил этилган Халқ қабулхоналарига юз минггаб ҳамюртларимиз нажот излаб мурожаат қилдилар.

Буюк шоир ва муттафакир, ҳазрат Алишер Навоий бобоимизнинг "Одавий эрсанг, демагил одами, ониким, йўқ халқ ғамидин ғами" деб битилган ҳикмати асрлар оша янада аҳамиятлроқ бўлиб бормоқда. Ҳақиқатдан ҳам Президентимиз таъбири билан айтганда, "Инсонларнинг дарду ташвиши билан яшаш одаимийлигининг энг олий меъзони". Давлатимиз раҳбари "Янги Ўзбекистон" газетасига берган интервьюсида ҳам айна жихатга тўхталар экан, "Хар бир раҳбарнинг фаолият мезони – бу халқнинг орзу-умидларини ўзи учун асосий мақсад қилиб, уларни изчиллик билан рўёбга чиқаришдан иборат", дея таъкидлаб ўтидилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонасида. Мурожаатчилар учун кутиш заллари, она ва бола, тиббиёт хоналари замонавий анжонлар билан жиҳозланган. Бу даргоҳда мурожаатчилар учун барча шароит ва қўлайлик муайён.

Вилоят Халқ қабулхонаси мудири Муҳиддин Валиев ҳузуридан. Муҳиддин ака билан мени чорак аср аввал фозилларга хос ҳаёт кечирган, маърифатли, қишлоқ хўжалиги илмининг зукко олимларидан бўлган устозимиз раҳматли Носир ака Отахонов таништирган эди. Республикаимизнинг турли газеталарида ишлаган вақтларимда Муҳиддин Валиев ва у киши раҳбарлик қилган идоралар фаолияти ҳақида мақолалар ёзганман.

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАСИ ЁХУД АДОЛАТ ВА УМИД ҚАЛЪАСИ

У қайси жабҳада ишлаган бўлса доимо фидойилик билан меҳнат қилган, болам демаса демайидан, аммо элим дейдиган, бу дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасларига берилмаган, меҳр-оқибатли, иймон-эътиқодли, сабр-матонатли, энг муҳими камтарин раҳбар. Унинг номини ҳурмат билан тилга олишимнинг яна бир боиси бор – ижод аҳлига доимо эъзоз ва эътибор билан муносабатда бўлади.

– Вилоятимиз бўйича Халқ қабулхоналарига жорий йилнинг олти ойида 10 минг 262 та мурожаат келиб тушди, – дейди ҳамсухбатимиз Муҳиддин Валиев. – Мурожаатчилар орасида моддий ёрдам олиш, иш билан таъминлаш, газ, свет, сув муаммоларини ҳал қилиш, уй-жой, ер билан таъминлаш, кредит ажратиш, соғлиқни сақлашдаги дуч келган муаммоларини ҳал этиш масаласида ёрдам сўраганлари кўпчиликини ташкил этади. Ички ишлар, суд, прокуратура тизимидаги адолатсизликларни бартараф этишда амалий ёрдам сўраган фуқаролар ҳам кўпайиб бормоқда. Кейинги йилларда ўз аҳли аёли ва фарзандлари тақдирига бешарқ қараб алимент тўлашдан бош тортаётган

номард оталардан нолиб, йиғлаб келаётган бева аёлларимизнинг муаммоларини бартараф этиш доимий диққат-эътиборимизда. Айниқса, бутун дунё аҳлини саросимага солиб қўйган коронавиралар балоси туфайли ҳамюртларимиз ўзларининг турли муаммолари билан Халқ қабулхонасини нажот қалъаси деб келишмоқда. Ходимларимиз мурожаатчиларнинг ҳар бири дардини ўзиникидек билиб уларнинг муаммоларини батафсил ўрганишмоқда.

– Халқ қабулхонаси деган ваколатли ва нуфузли даргоҳдан ҳеч ким ноумид кетмаслиги лозим, – дея сўзини давом эттиради ҳамсухбатимиз. Аҳолининг ҳақиқат излаб, адолат кидириб, ҳуқуқларини талаб қилиб ёзган мурожаатлари тажрибали ва билимли ҳуқуқшуносларимиз томонидан чуқур таҳлил этилиб, ечимини топмоқда. Масалаларни виллоятимиздаги шахар ва туманлар Халқ қабулхоналари, маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа идоралар вакиллари тезкорлик, шафқатфол таъминлаш асосида ҳал қилишмоқда.

Қабулхона мудири тақдим этган маълумотномадан аён бўлди-

ки, жорий йилнинг шу давригача қўриб чиқилган мурожаатларнинг 90 фоизи қаноатлантирилган. Айниқса, аҳолининг тоза ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминлаш бўйича қилган мурожаатлари Халқ қабулхоналари вакиллари бевосита аралашуви билан ижобий ҳал этилаётганлиги қувончлидир.

Наманган шаҳар "Юқори Ровустон" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи А.Абдуалимов сайёр қабулда маҳалла аҳолиси учун тоза ичимлик суви тармоғини тартиб беришда ёрдам сўраган эди. Наманган шаҳар Халқ қабулхонаси ташаббуси билан ушбу маҳаллага 150 миллион сўм маблағ сарфланиб, 2 минг 500 метр узунликдаги талаб қилиб ёзган мурожаатлари тажрибали ва билимли ҳуқуқшуносларимиз томонидан чуқур таҳлил этилиб, ечимини топмоқда. Масалаларни виллоятимиздаги шахар ва туманлар Халқ қабулхоналари, маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа идоралар вакиллари тезкорлик, шафқатфол таъминлаш асосида ҳал қилишмоқда.

Косонсой тумани "Гулистон-2" маҳалласида яшовчи М.Нуриддинованинг мурожаати асосида 600 миллион сўм маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 8 километр электр тармоғи тортилиб, трансформаторлар ўрнатилиши натижасида 790 та хонадонда электр энергияси таъминоти яшилди.

Шу туманидаги "Жар" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчиларнинг фарзандлари учун мактаб қурилиши муаммо бўлиб келаётган эди. Н.Иноятонинг оммавий сайёр қабулда қилган мурожаати асосида умумий қиймати 800 миллион сўмлик 420 ўринли мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Янгиқўрғон туманининг Тошкент маҳалласида яшовчи Д.Табоевнинг маҳаллада оқова сув қувурларини янгилаш бўйича мурожаати ижобий ҳал этилди. 700 метр масофадаги оқова қувурлари тармоғини ишга тушириш учун 550 миллион сўм маблағ сарфланди.

Наманган туманидаги "Катта Тошбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи К.Усмонова маҳалласига ичимлик суви тортилишида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Ушбу мурожаат Халқ қабулхонаси томонидан назоратга олиниб, ҳудуд аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан бир миллион сўм маблағ ажратилди. Маҳалладаги 8 та кўчага ичимлик суви тармоқлари тортилиб, аҳолининг тоза сувага бўлган эътиҳоби қондирилди.

Наманган шаҳридаги "Янги аср" маҳалласи аҳолиси Марғилон кўчаси асфальт қилинмаганлигидан нолиб келишар эди. Маҳалладоши А.Боймирзаевнинг мурожаати туфайли 2 минг 500 метр масофадаги ушбу кўчага асфальт ётқизилди.

Қўлимиздаги маълумотномада шу каби қўллаб-қувватлаш бор. Мурожаатларнинг аксарияти замирида инсонларга муносиб турмуш тарзи яратиш масаласи турар экан, муаммонинг ижобий ҳал этилиши аҳоли розилиғи йўлида қилинган муҳим ва савобли қадамдир.

Гуруч курмаксиз бўлмайд, дейишади. Фуқароларнинг мурожаатларига масъулиятсизлик билан қараган, қонун билан белгиланган муддатни асосиз бузган ва шу каби бошқа камчиликларга йўл қўйган масъул мансабдорлар фаолиятига ҳам танқидий баҳо бериб боришмоқда. Вилоят бўйича жорий йилнинг биринчи ярмида мурожаатлар билан ишлашга масъул мутасадди ходимлардан 49 нафари маъмурий, 173 нафари интизомий жавобгарликка тортилди. Тўрт нафар мансабдор эса эғаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Бундан беш-ўн йил авваллари аҳоли мурожаатларига, арз-додларига эътиборсизлик шу даражага етган эдики, одамлар ўз дарду ташвишлари, муаммо-ю мушкулотларини айтишга безиллаб қолганди. Ёзишмалардан ҳафсалалари пир бўлиб, давлат ва ҳокимият идораларига ишонмай қўйишганди. Ҳатто тўқсонинчи йилларнинг машҳур "ёзувчи"лари ҳам деярли "фаолияти"ни тўхта-тишганди. Халқ адолат ва ҳақиқатни юзага чиқарувчи ҳуқуқ-тартибот идораларига умидсизлик билан ноилолликдан мурожаат қилишарди. Аризаларга расмийлик учун бир қолпидиғи берилган жавоблардан шикоятчиларнинг кўнгиллари қолган эди...

Халқ қабулхоналарида бугунги муҳит мутлақо ўзгача. Фуқаролар мурожаатларини рўйхатга олиш ва уларни ўрганиш жараёнлари тез ва шафқатфол, ўз мударратидан, рақамли технологиялардан фойдаланилган ҳолда қўриб чиқилмоқда.

Тажрибали, халқпарвар ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қодир бўлган нуфузли ҳуқуқшунос ва мутахассислардан таркиб топланган вакилларнинг аҳоли билан бевосита мулоқотлари ташкил этилмоқда. Мурожаатчиларнинг ҳаётий муаммоларини тезкорлик билан ҳал этиш, лўнда қилиб айтганда, одамларнинг оғирини енгил қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар туфайли одамлар Халқ қабулхоналарини адолат ва умид қалъаси деб аташмоқда.

Ўринбой КЕНЖАЕВ,
журналист.

Ўзсаноатқурилишбанк: кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги яшил лойиҳалар молиялаштирилади

Устоз яратган илмий мактаб, қолдирган илмий мерос кўп йиллар давомида ёшлар йўлини маёқ сингари ёритиб туриши шубҳасиз.

Ўзбекистонда илк бор "Green banking" лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди

Миллий матбуот марказида Ўзсаноатқурилишбанк томонидан яшил лойиҳаларни молиялаштириш самарадорлиги ва истиқболларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда банк раҳбарияти, тегишли таркибий бўлинмалар масъуллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.



Жаҳон миқёсида жадаллашган саноатлаштириш ва аҳоли сонининг ортиши иқтисодий ресурсларга бўлган эҳтиёжини сезиларли даражада оширишда, атроф-муҳитга салбий антропоген таъсирни кучайтириб, иссиқхона газлари ажратмаларининг ортишига олиб келмоқда. Шу боис давлатимиз раҳбари бошчилигида "яшил тараққиёт" борасидаги халқаро савий-ҳаракатлар кўллаб-қувватланмоқда, ушбу йўналишда муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2017 йилда имзоланган Париж битимига кўра, ҳукуматимиз томонидан 2030 йилга бориб ҳавога зарарли газлар чиқаришни 10 фоизга камайтириш мажбурияти олинди, Президентимизнинг 2019 йил 4 октябрдаги "2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, шу йилларга мўлжалланган ҳукумат стратегияси ишлаб чиқилди.

Таъкидлаш жоиз, сўнгги йилларда кенг қўлланма трансформация жараёнларини амалга ошираётган Ўзсаноатқурилишбанк тизимида мазкур йўналишга устувор аҳамият

қаратилмоқда. Халқаро молия корпорацияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистонда илк бор "Green banking" лойиҳаси амалга татбиқ этилди. Банкнинг барча ҳудудий филиалларида яшил лойиҳалар шакллантирилиб, уларни молиялаштириш учун қўшимча маблағлар жалб қилинмоқда. Шу мақсадда Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан имзоланган битимга кўра, (умумий ҳажми 25 млн. долларга тенг) ўзлаштирилган маблағлар миллий ва хорижий валютада жалб қилиниши, улар томонлар қелишувига кўра, кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги яшил лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши режалаштирилган.

"Green banking" йўналишида Халқаро молия корпорацияси билан белгиланган вазифалар ҳам босқичма-босқич бажариб келинмоқда. Хусусан, "Экологик ва ижтимоий хавфларни бошқариш" сиёсати қабул қилиниб, банк кредит сиёсатида тегишли ўзгаришлар киритилди. Эндиликда, банк кредит ажратиш жараёнида экологик ва ижтимоий хавфлар инobatта олинади.

Корпоратив бизнес

(Corporate Green Loan), кичик ва ўрта бизнес (SME Green Loan) ҳамда чакана бизнес (ипотека кредити) тармоғидаги миқозлар учун яшил маҳсулотлар ишлаб чиқилди.

Банк биноларида энергоаудит ўтказиш масаласи юзасидан техник топшириқнома ишлаб чиқилиб, бу борада Халқаро молия корпорацияси экспертлари ёрдамида зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда Наврўз байрами арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашари доирасида Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги Мурувват маҳалласида кўча-кўчаларни обodonлаштириш, кўмакка муҳтож оилалар хонадонларини кўкамзорлаштириш ишлари олиб борилди. Шунингдек, Чирчиқ, Бўка ва Ангрен шаҳарларида банк ходимлари иштирокида 11 та маҳалла гузари ҳамда 2 та масжид ҳудудларида жами 450 туп мева ва манзарали кўчатлар экилди.

Анжуманда яшил лойиҳаларни молиялаштиришнинг самарадорлиги ва истиқболлари хусусида тўхталиниб, бу борадаги савий-ҳаракатларнинг барчаси жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилашга, иқтисодиётда энергия

самарадорликни ошириб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга олиб келиниши таъкидланди.

– Бунда электр, сув, газ ва бошқа табиий ресурсларнинг тежаллиши ва чиқиндиларнинг камайиши ҳисобига корхоналарнинг ишлаб чиқариш харажатлари арзонлашади, бир-бирлик маҳсулотга бўлган харажатнинг пасайиши, маҳсулотлар рақобатбардорлигининг ошиши ҳисобига тадбиркор даромади ортади, – дейди "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ "Green banking" бошқармаси бошлиғи Бобур Султонмуродов. – Ишлаб чиқариш тизимини модернизациялаш натижасида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, маҳсулот етиштириш ёки етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, шунингдек, маҳсулот сифатини яхшилаб, экспорт салоҳиятини ривожлантиришга эришилади. Экологик жиҳатдан эса, зарарли газ чиқиндиларининг камайишига, табиий ресурсларнинг тежаллишига ҳамда биосферанинг сақланишига муносиб ҳисса қўшилади.

Тадбирда банк томонидан яшил лойиҳаларни молиялаштириш доирасида "Тошшаҳартрансхизмат" АЖга электротиб сотиб олиш, "ZAMON TEKS" масъулияти чекланган жамиятининг фаолиятини кенгайтириш, "Neo Story Invest" ҳамда "Asia carpet textile" корхоналарининг ишлаб чиқариш линияларини модернизация қилиш сингари лойиҳалар юзасидан ахборот берилди.

Банк Ахборот хизмати

Эълонлар

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан рўйхатдан ўтган "MAGNA TRADE"-га (СТИР 207068498) тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги "Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг 2021 йил 10 августдаги буйруғига асосан "Кимёлаштирилган ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синовдан ўтказиш ва рўйхатта олиш бўйича давлат комиссияси Ишчи органи" давлат унитар корхонаси тугатилганлиги маълум қилинади. Корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан мурожаатлар эълон газетада чиққан кундан бошлаб икки ой муддатда Тошкент вилояти Қўрай тумани Бобур кўчаси 4 а-уйда қабул қилинади.

Ўзбекистон жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейи томонидан 2019 йилда Нормўминов Муҳаммад Отабекович номига берилган L № 0012301 (рўйхат рақами 227) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 5-мавзё 25-уй 14-хонадон эгаси Юлдашева Ольга Николаевна номига 2010 йил 20 декабрда берилган реестр рақами 3-629/2010 гувоҳнома рақами ТА 1098308 12492-99 бўлган нотаружой кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бу дунёи дунда шундай инсонлар бўладики, улар босиб ўтган ибратли умр йўли, самимий маслаҳат ва ўғитлари билан ҳамкасблари ҳамда шогирдларига ўрнатиб бўлиб, атрофдагиларни ёрқин келажак сари собитқадамлик билан интилиб яшашга ундайди. Техника фанлари доктори, профессор Шавкат Хударгенович Раҳимов ана шундай раҳбар ва устозлардан бири эди. Бешафқат ўлим олимни яқинда 76 ёшида орамиздан олиб кетди.

ОЛИМ ЁҚҚАН ЧИРОҚ АСПО ҲАММАЙДИ



Иқтидорли олим, муҳир мураббий, истеъдодли раҳбар Шавкат Раҳимов бутун борлигини мамлакатимиз ирригация ва мелиорация соҳасини ривожлантиришга бағишлади. У 52 йиллик меҳнат фаолияти давомида кўпгина ёшларнинг илм йўлидан бориб, ҳаётда ўз ўринларини топишларида катта ҳисса қўшди. Шу ўринда олимнинг сермазун умр йўлига назар ташласак.

Шавкат Раҳимов 1945 йилда Хива шаҳрида туғилган. Ўрта таълим мактабини тамомлаб, 1963 йилда Москва Энергетика институтига имтиҳон топиради. Институтни 1969 йилда "Сув энергетика қурилмалари" мутахассислиги бўйича битирган, йўлланма билан Тошкентга, Ўрта Осиё ирригация илмий-тадқиқот институти (САНИИРИ) – ҳозирги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтига кичик илмий ходим бўлиб ишга келади. Ўзининг ташкилотчилиги, меҳнатсеварлиги, илмга интилувчанлиги билан ажралиб турадиган кичик илмий ходим 1973-1975 йилларда институт аспирантурасида таҳсил олди. Номзодлик диссертациясини 1977 йилда Қирғизистон Миллий фанлар академияси қошидаги Автоматика институтига муваффақиятли ҳимоя қилди. Интилувчан фан номзоди илмий изланишларини давом эттириб, институтда катта илмий ходим, 1984 йилдан "Автоматик бошқарув тизимлари" бўлими мудири сифатида фаолият кўрсатди. 1987 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Кибернетика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида докторлик диссертациясини ёқлади.

Профессор Ш.Раҳимов илм йўлидан бориб кам бўлмасди. 1990 йилдан институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, 2004 йилдан 2017 йилгача институт директори давомийлигида ишлади. У бутун умрини мазкур институтга бағишлади.

Илмий фаолияти давомида вазирлик тизимидаги барча ташкилотлар ва республика миқёсида су ҳўжалиги объектларида ўз шогирдлари билан бирга муҳим илмий-техник вазифаларни ўрганишга қаратилган тадқиқотларини ўтказди. Аму-Бухоро машина канали, Қарши магистрал канали, Жиззах бош насос станцияси каби йирик объектларда энергетика, автоматик масофадан бошқарув тизимлари ва замонавий технологияларни амалиётга илмий асосда жорий этдилар. Республика миқёсида халқаро миқёсда су ҳўжалигининг устувор вазифаларини амалга оширишда доимо пешқадам олим, юксак билим ва тажрибага эга устоз сифатида вазирликка яқиндан ёрдам берарди.

Ш.Раҳимов раҳбарлигида Сув ҳўжалиги вазирлиги билан ҳўжалик шартномалари асосида 2018 йилда "Қашқадарё вилоятидаги магистрал ва ҳўжаликлар ороқаналларида су йўқолишини ўрганиш, каналларнинг фойдали иш коэффициентини аниқлаш бўйича таъсирлар ишлаб чиқиш", 2019 йилда "Қарши магистрал канали насос станциялар каскадини таъминловчи электр тармоғи кучланишини ошириш учун насос станциялари, синхрон электродвигателларининг реактив қувватини ошириш ҳисоб-китобини ишлаб чиқиш", 2020 йилда "Насос станциялари ва каскад насос станциялари ҳамда скважиналарда электр энергияси истеъмоли меъёrlари" мавзусида илмий тадқиқотлар бажарилди.

Устоз раҳбарлигида яратилган магистрал каналлар ва насос станцияларининг математик моделлари ва бошқариш усуллари бугунги кунда Қарши магистрал каналлари, Аму-Бухоро машина канали, Аму-Занг машина канали, Жиззах бош насос станцияси ва бошқа йирик су ҳўжалиги объектларида кенг фойдаланилиб келинмоқда.

Шавкат Раҳимов Жаҳон банки, Европа Иттифоқи, Осиё Тараққиёт банки ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида амалга оширилган. Марказий Осиё минтақасида су ресурслари ва экологик муаммоларни ечишга бағишланган бир қатор лойиҳаларнинг ижроси ва раҳбари бўлган. Хусусан, у кишининг раҳбарлигида Хитой Халқ Республикаси Фанлар Академиясининг Циньзян экология ва география илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда халқаро лойиҳа амалга оширилди. Лойиҳа доирасида Хитойнинг кўпгина провинцияларида су ҳўжалиги объектлари фаолияти ва су ресурсларидан фойдаланиш тажрибаси ўрганилди. Бундан ташқари, Циньзян экология ва география илмий-тадқиқот институти олимлари билан Ўзбекистонда лойиҳа доирасида тажриба синовлар ўтказилди.

Шавкат Хударгеновичнинг меҳнат дафтарасида таълим олишдан ташқари фақат битта даргоҳ – Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (олдинги САНИИРИ)

ёзилган. Дастлаб кичик илмий ходим, катта илмий ходим, лаборатория мудири, бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. Кейинчалик илмий ишлар бўйича директор ўринбосари ва бош директор лавозимларига кўтарилган.

Марказий Осиёда суғориладиган деҳқончиликнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Хоразм, Туркменистон, Зарафшон водийси ва бошқа жойлардаги қадимий тўғонлар, каналлар, гидротехник иншоотлар ўз муҳандислик ечимининг мукамаллиги билан ҳозиргача мутахассисларни лол қолдириб келмоқда. Устоз раҳбарлик қилган даврда институт том маънода гидротехника, ерлар мелиорацияси, гидромелиоратив тизимларни эксплуатация қилиш ва су ҳўжалиги қурилиши соҳасида илмий фикр ва илмий-ишлаб чиқариш тадқиқотлари марказига айланди.

Ўз замонасининг буюк донишманди Пифагор шундай деган экан: "Узоқ умр кўриш ва номинг қолишини хоҳласанг, ўзингдан тарбияли фарзандлар ва яхши китоблар қолдиргин". Шу жиҳатдан қараганда, Шавкат Раҳимовнинг ҳам номи неча-неча асрлар давомида тилга олиниши шубҳасиз. Унинг кўп йиллик тадқиқот ва изланишлари самараси ўлароқ 250 дан зиёд илмий мақолалар, 16 та патент ва иختиrolар яратилган. Монографиялар, илмий ишланмалари хорижий мамлакатларда chop этилган. Олимнинг илмий раҳбарлигида 16 нафар фан номзоди, 2 нафар фан доктори ўз илмий ишларини муносиб ҳимоя қилган. 1980-1990 йилларда Ўзбекистон су ҳўжалиги соҳаси нафақат собиқ иттифоқ давлатлари орасида, балки жаҳонда етакчи ўринларда турганлиги боис Араб мамлакатлари, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиё, Миср, Хитой каби кўплаб давлатлардан 40 дан ортиқ тадқиқотчилар мазкур институт аспирантурасида таҳсил олишган. Шавкат Хударгенович хориқлик мутахассисларга муҳим тадқиқот мавзуларини белгилаб бериб, уларнинг малакали илмий ходимлар бўлиб етишишлари учун барча шарт-шарoитлар яратиб, бевосита раҳбарлик қилганлар.

Айтиб ўтиш жоизки, Шавкат Хударгенович институтга раҳбарлик қилган йилларда унинг ташаббуси билан 10 нафар ўзбекистонлик олим номзодли ва докторлик диссертацияларини Москвада ёқлаган. Улар орасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари М.Хамудонов, Д.Абдуллаев, техника фанлари номзоди Б.Раҳимов, Б.Юсупов ва бошқалар бор.

Устознинг оиласига кўпчилик ҳавас билан қарайди. Фарзандларининг барчаси ўқимлиши, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар. Тўнғич қизи Лайло тажрибали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, доцент. Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази раҳбарининг ўринбосари вазифасида фаолият кўрмоқда. Иккинчи қизи Феруза Тошкент давлат техника университети ўқитувчиси. Ўғли Санжар Ўзбекистон ҳаво йўллари тизимида иқтисодчи мутахассис бўлиб ишлайди.

Профессор Ш.Раҳимов Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини муҳандисиялаш муҳандислари институтини ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги илмий Кенгашларнинг аъзоси сифатида ҳам самарали фаолият кўрсатган. 2017 йилдан институтнинг "Сув ҳўжалигида замонавий ахборот технологиялари ва су ресурсларини бошқариш" лабораторияси бош илмий ходими лавозимида ишлаб, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, су ресурсларини интергаллаштирилган бошқариш, уларни оқилона тақсимлаш, истеъмолчиларга етказиб бериш, ҳисоб-китоб қилиш ва гидротехника иншоотлари (сув омбори, тўғон, канал ва насос станциялари)ни ишончли ишлатиш тизимларининг илмий асосларини ишлаб чиқиш ишларида бошчилик қилиб келаётган эди. Бу изланишлар олимнинг шогирдлари томонидан изчил давом эттирилиб, ўзининг ижобий ечимларини топиши шубҳасиз.

Профессор Шавкат Раҳимов ўзига ва кўл остидаги ходимларга нисбатан ўта талабчан, айни пайтда меҳрибон ва ғамхўр инсон эди. Қандай ишга кўл урмасин, уни маромига етказиб бажаришга интиларди. Бор билим ва тажрибасини ҳеч қачон аямайдиган, қалби пок, бағрикенг, камтарин инсон Шавкат Хударгенович билан замондош, ҳаммаслақ бўлганлигидан доимо фaхрланамиз.

Устоз яратган илмий мактаб, қолдирган илмий мерос кўп йиллар давомида ёшлар йўлини маёқ сингари ёритиб туриши шубҳасиз. Зеро, олим ёққан чироқ аспо Ҳаммайд.

Ш.ХАМРАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси су ҳўжалиги вазирлиги, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди.

Қурилиш ишларини ёнғин хавфсизлиги қондалари асосида амалга оширинг!

Ҳа, ушбу гапни бежиз таъкидламаяпмиз. Негаки, янги иморатлар қураётган, яхши ниятлар билан қурилиш-монтаж ишларини олиб бораётган айрим юртдошларимиз баъзан қурилиш қилаётганида ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилишни унутиб қўяди.



Янги барпо этилаётган объектларнинг қурилиш-монтаж ишлари жараёнида барча ёнғинга қарши тадбирларни бажариш даркор. Ҳар қандай объектни қуриш жараёнида албатта ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш, ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан берилган ёзма кўрсатмаларга тўлиқ риоя этиш талаб этилади.

Туманимиз ҳудудида жойлашган халқ ҳўжалиги корхоналари ва аҳоли яшаш жойларида ёнғин хавфсизлигини таъ-

минлаш, содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, газ ва электр мосламаларидан фойдаланишни тартибга солишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган туман Ички ишлар бўлими Ёнғин хавфсизлиги бўлини маси ходимлари аҳолидан доимо ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилишларини сўраган ҳолда қуйидагиларни яна бир бор эслатиб ўтади:

Қурилаётган иморатлар оралиғида ёнғинга қарши масофа сақланиши, электр симлар белгиланган талаблар асосида тортилиши, қурилишлар даврида носоз газ ва электр ускуналарида фойдаланмаслик, газ печкаларини маҳсус гувоҳномаси бор мутахассисларга қурдириш, қурилишлар вақтида қўлбола ишланган электр ва газ ускуналарида фойдаланмаслик, ёнғин содир бўлганда зудлик билан ёнғин хавфсизлиги хизмати хабар бериш кабилар шулар жумласидандир.

Х.Ш.Артиқбоев,
Тошкен тумани ФВБ МТБ бошлиғи,
катта лейтенант.

Энг улуғ, энг азиз байрам муборак, азизлар!



**ЧАП ҚИРҒОҚ АМУДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ
ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ**

*барга юрtdошларимизни
Мустақиллигимизнинг 30 йиллик
тантаналари билан муборакбод
этади. Байрам хонадониниизга
қут-барока, қалблариниизга
олам-олам шодликлар олиб кирсин,
азизлар!*

ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ
АВТОМОБИЛЬ ЙўЛЛАРИ ҚўМАНДАСИ ТАРТИБИДАГИ**

“НАВОИЙ АВТОЙЎЛ”
**ҳудудий йўллардан
Фойдаланиш ташкилоти
ЖАМОАСИ**




барчангизни Мустақиллигимизнинг
шонли 30 йиллиги байрами
билан қизгин қутлайди.
Юртимиз равнақи,
эл-юрт манфаати йўлидаги эзгу
ишларингизда омадлар ёр бўлсин!

“ХОРАЗМДОН МАҲСУЛОТЛАРИ”
акциядорлик жамияти меҳнат жамоаси



юртимиз аҳлини, донни қайта-ишлаш тизими ходимларини,
халқимизни нон ва нон маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш
йўлида астойдил меҳнат қилаётган ҳамкасбларини

**Ватанимиз-Мустақиллигининг
30 йиллик**
шодиёнаси билан табриклайди.

Барчангизга соғлиқ, куч-қувват, аъло кайфият,
оилавий хотиржамлик ҳамроҳ бўлишини тилаймиз!
Илоҳим, жонажон юртимизнинг тинчлиги, сарҳадларимиз
осойишталиги абадий бўлсин! Ўзбекистонимизнинг жаҳон
ҳамжамияти олдидаги нуфузи бундан-да ортаверсин!



30 йил

“ЯНГИЙЎЛ МАХСУССУВПУДРАТ”
масъулияти чекланган жамияти жамоаси



**Ўзбекистон халқини,
музимга меҳнат
қилаётган барча
ҳамкасбларини яқинлаштиб
кечаётган энг улуғ, энг
азиз байрамимиз билан
самимий табриклаб,
барчаларига оилавий
бахт, осойишталик,
соғлиқ-омонлик тилайди.**


QISHLOQ
HAYOTIМУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси таркибидagi ҳамда
бошқа давлат вазирилик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Жамшид ХУЖАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Актам ХАИТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-847, 2 043 нусхада chop этилди.

Газета "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50. Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93. Реклама ва эълонлар – 236-26-50, 233-28-04.
e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2610-7023

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 19.45